

ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА МАТН БАДИЙЛИГИНИНГ
ЛЕКСИК АСОСЛАРИ

Рихситилла Алимухамедов

филология фанлари доктори, в.б. профессор

Ориентал университети

Аннотатсия: Уибу мақолада туркий ёзма ёдгорликлар тилидаги матн бадиийлигини та'минловчи лексик бирликлар таҳлил этилади. Жумладан, “Орхон-Енасой битиклари”, “Кутадгу билиг”, “Девону луготит-турк” каби қадимий манбаларда ишлатилган бадиий ифода воситалари – метафора, эпитет, синонимия, антонимия, тасвирий сўзлар ва эмотсионал лексик қатламлар кўриб чиқиласди. Шунингдек, матн бадиийлигининг лисоний асослари, уларнинг эстетик ҳамда маданий юкламаси таҳлил қилинади. Мақолада бу бирликларнинг замонавий адабий тил шакланишига та'сирни ҳам ёритилади.

Калит сўзлар: туркий ёзма ёдгорликлар, матн бадиийлиги, лексик бирликлар, қадимги туркий тил, бадиий ифода воситалари, метафора, эпитет, поетик тил, эстетик функциялар, семантик таҳлил.

V–X асрларда яратилган туркий тилли манбалар “қадимги туркий адабий тил” номини олган. Улар бизгача эпиграфик матнлар (Ўрхун ва Енисей воҳасидан, Сибирдан топилган қабртош матнлари), қоғозга битилган манбалар (турк-буддавий, турк-моний, турк-насроний муҳити ёдгорликлари, турли олди-берди васиқалари) кўринишида етиб келган бўлиб, кўпчилиги маълум мавзуда: қоғозга битилганлари тарих асарлари ёки диний-фалсафий мазмунга эга.

Қадимги туркий матнларни, хусусан, кўк турк ёзувидаги Кул тигин, Билга хоқон каби ёдгорликларни бадиий матн сифатида талқин этиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган [1]. Келгуси тадқиқотлар шу асосида бажарилган.

Худди шу даврда қоғозга ёзилган диний-фалсафий асарларда бадиийлик, унинг унсурларини мазкур асарлар услубида кўришимиз мумкин. Буларга асарлардаги фонетик такрорлар, бадиий бўёққа эга сўзларнинг қўлланиши ва бошқа воситалар киради. Бундан ташқари, айни диний-фалсафий асарларда матн бадиийлигини синоним такрорлар ҳам таъминлаган бўлиб, қуйида булар ҳақида тўхталамиз.

Турк-моний матнлари орасида тарих асарлари ҳам учрайди. Улар тарихий асар бўлиши билан бирга бадиий асар ҳамdir. Жумлаларнинг тузилиши, Бўгу хоннинг монийчилар билан бўлган ўзаро сұхбатлари, мазкур жараён давомида бўлаётган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатнинг таъсирли чиқиши, ўкувчига матндаги бирор фикрни етказиша ифода услубининг ўзига хос усулидан фойдаланилган. Жумладан, айтилаётган фикрнинг аниқ ва таъсирчан чиқишида синоним сўзлар ўзаро жуфтлаб

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VII son, Iyun

қўлланган: yüzümüz utru uluğ iyinč-basinč (6)⁴¹ – “юзимиз олдида катта жабр-зулм”; ... [y]mä t(ä)ñrim, birö[k k(ä)ntü-özüñüzkä tä[rsär] (20) – “... яна ҳукмдорим, агар сизнинг ўзингизга [амалларингизни] йиғдирса”; ... umä bu sav(i)g-ay(i)g (25) – ... “яна бу хабар-кўрсатмани”; ača-suvsamak(i)n [qatiglantim] (38) – “очлик-сувсизлик билан қийнадим”; yertinčü, [ye]r-s[uv]da ä[v]-barq ičintä äräy(i)n, tep idı s(ä)vmäz-[m](e)n (41-42) – “бутун дунё, ер-сувда, уй-жой ичидагай, деб бутунлай севинмаяпман”; ödün miňlig-tümänlig quvraq (57) – “ўшандада минг-минглаб жамоа”; üküs-türlüg täj oyunun (58) – “турли-туман ўйин билан”.

Мазкур ёдгорлик давр адабий муҳити, унда матн тузиш анъанаси, бадиий тафаккурини ўзида сақлаган. Муаллифнинг баён усули ҳам ўзига хос: фикрни содда, равон сўзлар орқали ифодалаган, ўрни билан сўзлар жуфтланиб, улардан нозик маъно чиқара олган. Матнда уюшиқ бўлаклардан ҳам унумли фойдаланилган. Мазкур манбани ўз даврининг етук тарихий-бадиий асари дейиш мумкин.

Қадимги туркий матнларда “вафот этмоқ”, “ўлмоқ” маъносида yaši tegdi, yaši tegip učdi [2] феъллари қўлланган. Қадимги туркий матнларда, жумладан Кул тигин битигида učdi: Kül tigin qoñ yilqa yiti yigirmikä učdi – “Кул тигин қўй йилининг ўн еттинчи (сана)сида ўлди” (К.ИІ) [3: 38], Сужи битигида öldi феъли: ... amtı öltüm (8) – “энди ўлдим” [3: 64], Ўнгин битигида ҳам öldi феъли: atačim ölti (Ob.7) – “отагинам ўлди” [3: 60], Билга хоқон битигида uča bardi: Bilgä qağan u[ča bardi] (Хс.2) – “Билга хоқон вафот этди” [3: 53] феъллари ишлатилган.

Тесин ёдгорлигидаги ушбу феъл, афтидан бадиий бўёққа эга бўлиши керак. Худди шу формада ясалган сўз Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарининг Наманганд нусхасида қуйидагича келади:

Tegürdi mejä elgi elik yašim,
Quğu qıldi quzğun tüsi-teg başim.
Oqir elik emdi mejär kel teyü,
Pusuğ bolmasa, bardim emdi naru [4: 359-360].

Ушбу тўртлиқдаги Tegürdi mejä elgi elik yašim жумласини “менга эллик ёш қўлини чўзди, мен эллик ёшга тўлдим” деган маънода англаш мумкин. Шунга кўра юқоридаги феъл келган жумлаларни қуйидагича талқин этиш мумкин: [el] etmiš qanım yaşı tegip učdi, oğlı yabğum qağan bolti (5) [2: 32] – “Эл этмиш хоқоним кексайиб (ёши бир ерга бориб), вафот этди. Ўғли, менинг ябгуйим (унвон), (унинг ўрнига) хоқон бўлди”; ... el tut[dii] ančiř yaşı tegdi (14) [2: 32] – “халқни бошқарди, сўнг вафот этди”.

Ёдгорлиқдаги: ... belgüsın bitigin bu urti bu yaratdi (20) [2: 32] – “белгисини, битигини бу (ерга) ёзди, бу (ерда) яратди” жумласи Кул тигин битигидаги: Türk [bodunuğ ti]rip äl tutsuqiqinjün bunta urtum, yaŋılıp üläsikiŋin yämä bunta urtum. Näj näj sabim ärsär, bängü taşqa urtum (Ka.10-11) [3: 32] – “Турк хақини тўплаб, давлат

⁴¹ Қавслар ичидаги матннинг катори берилган.

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VII son, Iyun

тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим. Адашиб, айрилтанингни ҳам, бундан ёздим. Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим”, - жумласига тузилиш жиҳатдан ўхшаш.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда, жумладан турк-моний тавбаномаларида бир ўринда бир маънони англатувчи бир неча лексик бирликларни учратамиз. Бу от, феъл ёки бошқа туркумдаги сўз кўринишида келади. Лексик тақрорларни матнда қўллаш, асосан матндан англашилган фикрнинг таъсирчан чиқиши ҳамда сўз маъносини кучайтиришда қўлланади. Л. Тугушева буларни икки турга бўлади: айнан бир лексеманинг тақрори (*özgä özgä*) ҳамда синоним лексемаларнинг тақроридан (*agīg silik*) ташкил топган лексик тақрорлар [5: 47-56]. Бундай синоним лексик тақрорлар “Хуастуанивт”да кўплаб учрайди. Жумладан: *k(ä)ntü özümüzni* – “ўз ўзимизни” (XP.86, 93); *anīg y(a)wlaq* – “ёвуз бўлмагур” (XP.86, 93); *quruğ öl yirkä* – “қуруғ-хўл ерга” (XP.86, 93); *biš türlüğ otqa iğacqa* – “беш хил ўсимликка” (XP.86, 93); *suy yazuq qilt(i)m(i)z ärsär* – “ёзуқ қилган бўлсак” (XP.87, 94); *y(ä)mä yakkä ičkäkkä t(ä)jri tipän* – “яна шайтону иблисларга тангри деб” (XP.88, 95); *yilgiqa bar(i)mqa* – “мол-мулкка” (XP.89, 96). Матндаги ритмни, мусиқийликни ҳосил қилишда яна синоним сўзларнинг ўрни ҳам катта. Жумладан: *töktümüz sačt(i)m(i)z ärsär* – “тўкиб-сочган бўлсак”; *näčä äksütümüz k(ä)rgät(i)m(i)z ärsär* – “қанча зарап етказган бўлсак”, *suy yazuq qilur-biz* – “ёзуқ қиласиз”. Синоним сўзлар матн мазмунини яхшироқ очиб бериш, сигинувчилар кўнглидаги туйғуларни етказишида ҳамда матн таъсирчанлигини кучайтиришда қўлланган.

Асарнинг бешинчи бўлимида куйидагича синтактик параллелизмни қўрамиз: *näčä qorqitd(i)m(i)z ürkitd(i)m(i)z ärsär* : *näčä urtumuz yontumuz ärsär* : *näčä ačitd(i)m(i)z aģritd(i)m(i)z ärsär* – “қанча қўрқитиб ҳуркитган бўлсак, қанча уриб азоблаган бўлсак, қанча ранжитган бўлсак” (XP.87, 94). Бундан ташқари, матнда келган синоним сўзлар қилинган гуноҳларнинг даражасини ҳам кўрсатади. Бу ерда синоним сўзлар матндан англашилган ишларнинг оғир-енгиллигини билдиради.

Л. Тугушева синоним лексемаларни олти турга бўлади: от, сифат, олмош, феъл, сифатдош ва равишдош [5: 49-50]. Шулардан турк-моний дуолари матнида куйидаги туркумларга киравчи сифат, от ва сифатдош синоним лексемалар қўлланган:

сифат: *üküs-türlüğ* – “кўп, турли” [6: 283], *uquğlı bilgä bilig* – “билимли, доно” [6: 317];

от: *äd-tavar* – “үй-жой, мол-мулк” [6: 327], *suy-yazuq* – “айб-гуноҳ, ёзуқ” [6: 323, 326], *ig-ağriğ* – “касаллик” [6: 326].

Қадимги туркий ёдгорликлар, хусусан, турк-моний манбаларида бадийликни таъминлаш, асосан синоним сўзларни бир-бирига жуфтлаш орқали амалга оширилган. Бу йўл билан муаллиф ўзи айтмоқчи бўлган фикрни ўкувчига осон ва тушунарли қилиб етказган. Жуфт сўзлар стилистик жиҳатдан матн экспрессивлигини оширган. Масалан, “барча” маъносида *qamağ-barča*, “шодлик” маъносида *ögirmäk-säwïnmäk*, “мақталган” маъносида *ögüt-alqat*, “вақт” маъносида *öd-qolu*, “сарапланган” маъносида *adırt-ödürt*. Қадимда туркий мухитда тузилган ҳар қандай матн бундай бадий

TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

VII son, Iyun

воситалардан фойдаланилган ҳолда яратилган бўлиб, улар матн умумий мазмунига, айтилаёттган фикр таъсирини, ўқувчининг эътиборини жалб қилиш учун тузилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI–VIII веков. – Москва: Наука, 1965.
2. Кляшторный С.Г. Надпись Уйгурского Бёгю кагана в Северо-Западной Монголии. В Сб. ст.: Центральная Азия (новые памятники письменности и искусства). Москва. Наука. 1987.
3. Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. 2009.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрға тайёрловчи Қ. Каримов. Тошкент, 1971.
5. Тугушева Л.Ю. Раннесредневековый тюркский литературный язык. Словесно-стилистические структуры. – Санкт-Петербург: Петербургское Востоковедение, 2001.
6. Clark L. Uygur Manichaean Texts: Volume II. Liturgical Texts: Texts, Translations, Commentary. Corpus Fontium Manichaeorum: Series Turcica II. – Turnhout: Brepols Publishers, 2013.